

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

A.Абдурахмонов

Яшил рангнинг миллий шеъриятда ўзига хос ифодаси (испан ва ўзбек лирикаси мисолида) 79

О.Абобакирова

Ўзбек болалар ҳикоячилигининг бадиий хусусиятлари 83

Д.Турдалиев

Рус фольклоршунослигида анъанавий лингвистик формулалар 92

И.Ҳабибуллаев

Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида руҳий-психологик тасвир (“Нигоҳ” қиссаси асосида) 98

ТИЛШУНОСЛИК**А.Муҳиддинов**

Нутқ актини биомолекуляр ва ментал кодлаштириш жараёнларининг изоморфлиги ва алломорфлиги 103

Р.Сайфуллаева, Ҳ.Ҳамроева

Ўзбек рақс терминларининг лингвокультурологик таснифи 108

З.Акбарова

Турли функционал услублардаги матнларда тил воситаларидан фойдаланган ҳолда оламни моделлаштириш 113

Н.Шарафутдинова

Ўткир Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” асарида қўлланилган мифоним ва теонимлар таҳлили 118

Ў.Исламов

Адабий тил - нутқ маданиятининг олий шакли 122

Л.Абдуллаева

Аббревиация-ўзбек ва инглиз тилларида сўз ясаш усули сифатида 126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**С.Абдурахмонов, Ш.Ибрагимов**

Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ташкилий усуллари 129

У.Абдуллаева

Чет тили бўйича кўнижмаларни баҳолашда ёш хусусиятларига кўра ёндашув принциплари 134

ИЛМИЙ АХБОРОТ**Ў.Омонова**

Алмаштириш операторларини куришнинг композицион усули ҳақида 139

А.Раҳматжонзода

Баъзи умумлашган гипергеометрик функцияларнинг интеграл кўринишини топиш масалалари 143

Б.Каримов, Р.Эргашев, А.Сирожиддинов

Sn асосида шаффоф ўтказувчи электродлар 147

А.Урунов, С.Элмонов

Тишли-ричагли механизмлардан тузилган комбинацион механизмнинг параметрларини асослаш ва кинематик текшириш 150

Д.Аббосова, А.Ибрагимов, О.Назаров

Ephedra equisetina bunge ўсимлиги баргларидан олинган эфир мойи таркибий қисмларининг ГХ-МС таҳлили 154

М.Ахмадалиев, И.Асқаров, Н.Юсупова, М.Икромова

ЗФАМЭД смолосининг олиниши 158

С.Маматқурова, Ш.Абдуллаев, Р.Деҳқонов

Helianthus tuberosus L. (Топинамбур) ўсимлиги илдиз мевасидан турли мухитларда пектин моддасини ажратиб олиш ва функционал гуруҳларини аниқлаш 161

УДК: 8-32

ХУРШИД ДҮСТМУҲАММАД ҚИССАЛАРИДА РУҲИЙ-ПСИХОЛОГИК ТАСВИР
(“НИГОХ” ҚИССАСИ АСОСИДА)

ДУХОВНО - ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ В ПОВЕСТЯХ ХУРШИДА
ДОСТМУҲАММАДА
(НА ОСНОВЕ ПОВЕСТИ "НИГОХ")

PSYCHOSPIRITUAL IMAGE IN THE STORIES OF KHURSHID DOSTMUHAMMAD
(BASED ON THE STORY "VIEW")

И.Ҳабибуллаев

¹ И.Ҳабибуллаев

— Фар ДУ магистранти.

Аннотация

Мақолада Хуршид Дүстмұхаммаднинг “Нигох” қиссасыда тасвирланған қаҳрамонларнинг турмуш тарзи, үзликтің аңглаш жараєни, опаси, акаси, ижарачи, ишхонадағы одамлар билан муносабаттар тасвиридағы ёзувчи маҳораты ҳамда руҳий-психологик тасвирларнинг модернистик услугуда ёритилгенлиги таҳлил қилинганды.

Annotation

In article analyzes the lifestyle of the protagonists in Khurshid Dostmuhammad's story "View", the process of self-awareness, the writer's skill in depicting his sister, brother, tenant, relationship with people in the office, and the modernist coverage of psychospiritual images.

Annotation

This article analyzes the lifestyle of the protagonists in Khurshid Dostmuhammad's story "View", the process of self-awareness, the writer's skill in depicting his sister, brother, tenant, relationship with people in the office, and the modernist coverage of psychospiritual images.

Таянч сүз ва иборалар: миллий характер, модернизм, психологик тасвир, экспозиция, анъанавий тасвир, қисса, рөвий, экспозиция, деталь, руҳий-психологик тасвир, образ.

Ключевые слова и выражения: национальный характер, модернизм, психологическое изображение, экспозиция, традиционный образ, повесть, рассказчик, экспозиция, деталь, психико-психологический образ.

Keywords and expressions: national character, modernism, psychological image, exposition, traditional image, story, narrator, exposition, detail, psychospiritual image.

Замонавий адабиётимизда ўнга яқын қиссалари билан алоҳида ўринға эга бўлган ёзувчи Хуршид Дўстмұхаммад ижодида Европа адабиётига хос модернизм йўналишининг элементлари, ифода усуллари, бадиий-психологик тасвирлар етакчилик қиласиди. Уларда персонажнинг турли ҳаётий вазият ва оғир ҳолатдаги фикрлаши, ўзини тутиши совуққонлик билан ва ишонарли тарзда очиб берилган. Айниқса, “Нигоҳ” қиссасыда трамвай ҳайдовчиси бўлган Бек исмли одамнинг трамвайдаги одамни туртиб юборгани ҳамда ана шу оғир вазиятни Бекнинг руҳий-психологиясидаги мантиқий таҳлили, бунда персонажнинг изтироби, кечинмалари, ўзини таҳлил қилиши орқали инсоннинг ҳаётдаги аҳамияти ва ўрни очиб берилган.

Қисса, аввал таъкидланганидек, биз кўниккан анъанавий тасвир билан эмас, балки бутунлай бошқача тарздаги, ўқувчига

кучли психологик таъсир қиласидан ҳолатдаги воқеалар оқими – экспозиция билан бошланади: “Кимdir чинқириб юборди. Лоақал шу чинқирикни эшитгани заҳоти тормоз дастагини тортиши, трамвайнин тўхтатишга улгuriши мумкин эди. Ҳа, энди. Лекин трамвайнинг тезлиги сусаймади, у кўққисдан тўхтаган “Волга” га тарақлаб урилди. “Волга” нинг орқа ўриндиғида ўтирган аёл жон аччиғида сапчиб терс ўгирилди, унинг қинидан чиқиб кетаёзган катта-катта кўзлари трамвай ҳайдовчининг кўзлари билан тўқнашди.

Бек аёл кўзидаги даҳшат аломатини кўргачгина, нима иш қилиб қўйганини фаҳмлади. Чап қўли билан тутиб келаётган темир тутқични силтаб тортмоқчи бўлди. Трамвай эса, боя – аёл ўгирилиб қарагандадаёқ тўхтаган. Чунки вагон “Волга” га қарсиллаб урилган замони Бекнинг қўли ғайрииҳтиёрий равишида “вазифаси” ни ўтаган эди...” [4]

АДАБИЁТШУНОСЛИК

“Нигоҳ” қиссасидан олинган мазкур парчадаги ҳолатнинг ўзи қиссанинг руҳий-психологик йўналишда ёзилганини билдирига, ундаги “кимнидир чинқириб юборгани”, “қўққисдан тўхтаган”, “жон аччиғида сапчиб терс ўгирилиш”, “қинидан чиқиб кетаёзган кўзлар”, “ғайрихтиёрий равишда” каби сўз, ибора ва жумлалар замирада воқеа иштирокчиларининг руҳиятидаги зўриқиш, механик ҳаракат ва, албатта, ҳаёт маромининг издан чиқиши ҳақида бадиий инфомация берилган. Бу маълумотда, аввало, ровий тили ва персонаж ҳолати орқали ҳар иккисининг ҳам жараёни ҳақида сўзсиз тасвир бор.

Ровий тилидан баён қилинган тафсилотда бўлар иш бўлиб ўтгани, вагонда қий-чув, тўс-тўполон кўтарилигани, кўчада тумонат одам йигилгани баён этилади. Чунки юқоридаги экспозициядан кейин шундай бўлиши механик тарзда баён қилинмаса, асарнинг ҳаққонийлик талаби бузилган бўлади. Бироқ қизиги кейинроқ содир бўлади, трамвай бехосдан тўхтайди, кабина эшиги шарақлаб ёпилади. Аслида бундай ҳолатда ҳайдовчи эшикни очиб ташқарига чиқиб, воқеани ўрганиши, содир бўлган ҳодисадан руҳий-фожиавий ҳолатини бақириб ёки бошқа ҳолатда ифодалаши керак бўлишига кўнилганмиз. Аммо, қиссада бу нарса содир бўлмайди. Бек эшикни ёпиб, кабинада ёлғиз қолади. “Кабина жимжит бўлиб қолди. Бек воқеага заррача алоқаси йўқ одамдек пинагини бузмади. Қозикдан отилиб оёғи остига тушган халтасига, ундан ярми кўриниб қолган қора муқовали китобга бепарво қаради...” Бош қаҳрамоннинг мазкур ҳолати ташки томондан қараганда тинч, бепарво тасвирдек берилган. Одатда, нормал психологик қайфиятда бўлган киши эҳтиёт қилиб илиб қўйган халтаси тушиб, оёғи остига сочилиб кетса, уни дарҳол қўлига олиб, яна жойига ёки бошқа ўринга қўяди. Бироқ Бекнинг руҳий-психологик ҳолати шударажада оғир эдики, жойидан жилолмай қолди. Буни биз унинг кабина эшигини ёпиб, жим ўтириши ҳамда автомобилга тўқнашиб кетганда машинадаги аёлнинг кўзида қотиб қолган даҳшатни эслаб қолгани, айнан шундай даҳшатни у кабина эшиги ойнасига тумшуғи билан келиб урилган ўрта ёшлардаги семиз кишининг нигоҳида ҳам кузатади. Натижада йўловчининг “утакаси ёрилиб, жони бўғзига тиқилиб” турганини

томоша қилиши ва оғир жилмайганида кўрамиз. Аслида руҳий-психологик қоида бўйича бадиий образ инсон кўнглида дунё билан алоқа таъсирида пайдо бўлган кечинмаларнинг ташқарига чиқиши, деталларнинг моддийлашувидир, деган мулоҳаза бор. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Бекнинг даҳшатли кўзни кузатишида, аввало, ўз қўрқувини кўриши, йўловчиларнинг дод-войи, бақир-чақирини эшитмасдан, пашшанинг зингиллаб учишими эшитиши эса ундаги нормал психик жараённи англатади.

Хуршид Дўстмуҳаммад бу қиссада воқеликни ўзгача идрок этади. Ёзувчи инсоннинг онгидан бадиий майдон ўрнида фойдаланади. Инсоннинг онги, тафаккури бадиий асар учун мазмун ва шакл, макон ва замон вазифасини бажаради. “Нигоҳ” қиссасида адид инсоннинг ички оламини акс эттирувчи кўзгу кўз ва ундаги ростгўйликни ошкора қилиш қобилиятини моҳирона тасвирлаган. Қисса "... ҳар ким умр бўйи қандайдир нигоҳлар кузатувида юради, уларни унутган дамда имонидан айрилади, қадр-қимматини оёқости қилган одамгина улардан қочади”, деган ғояни илгари суради. Бу, биз юқорида келтирилган тасвирлардаги нигоҳ, персонажлар кўзига диққат этилганини, бу орқали эса Бекнинг руҳий оламидаги ҳолатни кўрдик. Қиссанинг кейинги қисмларида Бекнинг эрталаб пашшанингми ёки аринингми ойнага урилиб тўнгиллашидан уйғониши, эринибгина ётиши, йигирма кундан ошибдики, ишга чиқмаётгани, ҳар куни бу пайтда трамвай ҳайдаётган бўлиши, саҳар туриб қоронгуда тимирскиланиб кийиниб, овқатланмасдан тонг қоронғусида ишга кетадиган одам ва унинг зерикиши берилади. Ана шу тасвирларда ровий Бекнинг характеристига хос жиҳатларни санаб кўрсатар, тасвирлар экан ровий ҳам кузатувчига айлангандек бўлади.

“У ер-бу ердаги хира чироқлар чала-ярим ёритган кўчадан ўнгга қараб йўл соганида, хатто дайди итлар ҳам туни билан изғиб ҳориган бўлади, қимирлаган жон дуч келмайди. Кўчанинг бошидаги чиқиндиҳона Бекнинг кўзига аллақандай харобага ўхшаб кўринади, назарида бу ерда кимдир пусиб тургандек, ҳозир бирон кор-ҳол юз берадигандек туюлаверади, лекин Бек тўхтамади” [6].

Ана шу таъқиб ҳисси, кимдандир ёки нимадандир ҳадик билан қочиши қиссанинг бошдан охиригача давом этади. Дастреб у ўз-ўзидан кўркандек бўлади, кейин “Волга” билан боғлиқ ҳалокат ва энди трамвай ҳайдагани чиқмасдан, ишхонага келиб-кетиш сўроқ-саволлар бериши ва терговчининг кузатиши уни қийнайди.

Асар қахрамони Бек нигоҳлар таъқибидан қочади. Дастреб “Волга”даги аёл, сўнгра трамвайдаги гавдали киши, кейин уйида хотинининг кўзида ўзига таниш бўлган ҳадик тўла нигоҳни кўради. Ҳатто дераза пардасини кўтариб қараганда “ойнанинг пастида сап-сариқ, совуқдан совуқ арвоҳ капалак ловиянинг қоринчасига ўхшаш тим қора, дум-думалоқ кўзини Бекдан узмай турарди” [8]. Бу ҳолат, албатта, ундаги руҳий-психологик ҳолатга таъсир этади. Натижада эрталабдан унинг ички оламида катта эврилишлар бошланади:

“Бек ҳаяжонини босолмай ҳовлига чиқди, у ёқдан-бу ёққа юрди, ғайришуурий равишда бетини юва бошлади. Юзини ювса, эрталабки дилгирлиқдан халос бўладигандек туюлди, аммо қанча ювинмасин, ундан қутуладиганга ўхшамас, зеро, дилгирлик унинг бетида эмас, дилида эди. Буни равшан англаб етмаган Бек бармоқлари титраганидан ҳовучидаги сув тўклиб кетаётганини кўриб, ўзига-ўзи тасалли берди”[8]. Ана шу ерда Бекнинг тинимсиз ҳаёти, меҳнатда ўтган бир хил ҳаёти натижасида руҳан чарчагани англашгандек туюлади. Чунки Бек шундан сўнг ҳовлисида қизил-қўнғир рангда қийғос гуллаган шафтоли гулидан ором олгандек бўлади. У ҳовлисида ана шундай ажаб манзарани илк марта кузатиши орқали эса муаллиф унинг ўз уйи, ҳовлисидан ҳам узилиб, у ерда қандай дарахт борлигини унугланган персонаж эканлигига эътибор қаратади. Бундай ҳолга тушиб учун одам ўзлигидан узилиши керак, у кўп нарсани йўқотганига ишора қилади. Шунинг учун Бек болаларининг олдига киради ва уларни уйғотади. Қизи кўзини очибоқ, “Ишга бормайсизми?” деб сўроқка тутади. Ўғли Умид эса “Боғчага сиз олиб борасиз-а?”, деб сўрайди. Шу ерда у болаларига ўзи ҳақида эртакни ҳазил аралаш айтиб беради.

Ёзувчи персонажини у ишлайдиган трамвай депосининг диспетчер хонасидаги тўполон пайтида ишга келганини

тасвиirlайди. Бу персонажнинг қисса бошидан бошланган бетартиб ҳаёти тасвирида ўзига хос чизги бўлиб қўшилади. Аслида трамвай йўлига чиқкан ва у ерда ўчиб қолган “Волга” нинг трамвайчилар томонидан уриб юборилишида Бекнинг айби у қадар катта эмас. Чунки бундай ҳолатда оғир ва секин юрадиган трамвайни тўхтатишининг иложи йўқ. Иккинчидан эса машинанинг орқа қисми озгина пачоқ бўлган, холос. Лекин нима учундир бу воқеа Бекка ва атрофидагиларга қаттиқ таъсир қиласди. Ишхонасида одамлар унга турлича қарашлар билан тикилади. Диспетчер аёлнинг: “Сенга путёвкани бошқа жойдан беришади. Тақдиринг инженернинг қўлида”, –дэя киноя билан айтган илмоқли гапи дилидаги хирадликни янада кучайтиради. Оиласи бағрида бироз унугландек бўлган мавхумлик, кейинги ҳаёти ҳақидаги номаълумлик уни асабийлашишга мажбур қиласди. Инженернинг олдига кирмасдан олдин трамвай депосининг бир қисмида, шу депо қурилмасдан олдинги ҳовли уйларнинг боғидан сақланиб, кекса нок дарахти ва унинг атрофида бир оз сайд қиласди. Шу ерда у ўзининг трамвай ҳайдаб, турли одамлар билан учрашгани, ўнлаб, юзлаб турли тоифа одамларнинг трамвайга чиқиб-тушишини кузатганини, умри пўлат излар устида ўтганини ўйлади. Қахрамон нуқтани ўзининг қалбига, кўнглига қаратади. Ўз-ўзини тергов қилиш орқали ўзидан ўзини қидиради. Ўзлигини йўқотиш сабабларини аниқлаб, онг ости сезгиларида кечмишини тафтиш қилиб, эртасини ўйлади. Ана шу қидириш қиссанинг бошидан охиригача давом этади. Бу ана шу нокнинг эгаси – чолнинг “ҳаммасини ана шу аёл ҳал қиласди. Яххиси касалхонага бориб, аёлнинг кўнглини сўра. Ўзинг енгил тортасан” деган гаплари таъсирида маълум ўзанга тушгандек бўлади. Ана шу воқеалар, асабий тасвиirlар орасида муаллиф чолнинг ҳаёти билан боғлиқ кичик ҳикояни ҳам қиссадаги воқеалар орасига сингдириб юборганки, бу билан одамнинг ҳаёти ҳам гўё ана шу трамвай бекатидаги трамвайларга ўхшашига, бу ерга кимлар келиб-кетиши ҳақида мулоҳаза юритишга ундейди. Ҳаёлида яна “Волга” ни уриб юборганимиди ёки йўқми, деган савол ҳамда ўзининг асабий ҳолати ҳамда шоп мўйловли амакининг фожиага тўла ҳаётига оид воқеалар аралашиб кетади. Бу ҳам персонаж

АДАБИЁТШУНОСЛИК

тасвиридаги руҳий-психологик вазиятнинг нақадар мураккаб эканлигини англатади.

Ўз эътиқоди, вижданни амрига кўра яшашнинггина уддасидан чиқишини ичидан тан олади. Инсон ана шундай ишонч билан яшасагина ўзига, яқинлари нигоҳига тик қараб яшай олади. Шу ҳолда у ўз устидан кулса, ўзини тафтиш-у таҳлил қилиб, дили покланса, губорлардан ҳоли бўлса, атрофдагиларга ёруғ юз билан кулиб қарай олса, ҳаётнинг маъноси шу эмасми.

Бек “Волга” нинг орқа ўриндиғида ўтирган аёлни касалхонага кўргани боради. Бу ерда аёлнинг ўзидан анча ёш бўлса-да, “опа” дейишга мажбур бўлгани, трамвай йўлига чиқиб кетиш аслида машина ҳайдовчисининг айби, бироқ бу ерда Бек айбордорга айланиб қолгани ва аёл унга араз оҳангда айтган гаплари унинг ҳамиятига тегади.

“Сизнингча, жиддийси қанақа бўлиши керак. Одам ўлиши шартми.” “ГАИ ходими айтди-ку, тўхтатишга бемалол улгурса бўлар экан. Сиз эса ...

Бекнинг юраги “шиғ” этиб кетди. Ёш болалардек, “айтманг, айтманг! деб юборишдан базур тилини тийди. Куч-куват бирдан аъзои-баданини тарк этгандек мажолисизланди. Бўм-бўш бўлиб қолган вужудида ўша бир нарса кулча илондек ўралиб ётарди, бу – ўз феъл-атворини, аникроғи – ўзининг ким ва қандай одамлигини ойдинлаштириш ғулғуласи эди! Бек худди ўзининг катта бир қусурини фош қилиб қўядигандек муҳокамасини бошлашга юраги дов бермас, у ҳақда бош қотиришни ортга сургани сурган эди” [20].

Ана шу ерда Бек ўзлигини излаётган, ҳаёти пўлат изда кетаётган трамвайга ўхшаб бир текисда, ўз маромда кетаётиб, бирдан издан чиққани ва эндиғи тақдирни мавхум эканлигини англайди. Ҳар бир деталь, ҳодисада ўзининг эртаси, кейинги тақдирини излашга ҳаракат қиласди, эртага нима бўлади, нима қиласди, бошига яна қандай синовлар тушади, деган саволлар уни қийнади. Ўз ҳаётини, тақдирини таҳлил қиласди. Хаёлидан “катта”, “милиция”, “тревога”, “қонун”, деган сўзларчувалашади. Ҳатто хотини Замира ҳам эртасига бу ташвишдан безовталаниб сўрайди: “Бугун нима қиласиз? Ишингиз тўғри бўлармикан?” [32]

Эътибор берилса, Бекнинг онгига, ички оламида шаклланган безовталик,

бетартиблик энди унинг оиласига ҳам кўчди. Бир қаралса, бу табиий. Чунки ҳар ҳолда авария юз берган. Лекин трамвай ҳайдовчилари орасида бундай ҳол тез-тез содир бўладиган ҳамда у қадар фожиали тус берилмайдиган ҳодиса. Бироқ Бекнинг ҳаётида эса ундей эмас.

“Унинг ҳаёлинни диспетчер аёлнинг шанғиллаган овози бузди:

- Э, қаёқда юрибсиз, йигитча? – дея бидиллай кетди у бирор нарса талашаётгандек иккала қўлини пешма-пеш пахса қилиб. – Ия, жа-а, бемалолхўжа экансан-ку! Вой, опанг ўргилсин сендан! Бу ёғи тревога бўп кетди-ю, серрайиб туришингни қара.

- Қанақа тревога? – Бек боз диспетчернинг бўлар-бўлмасга ваҳима кўтаришини яхши биларди.

- “Волга” нинг шофёри келиб сени суриштирибди. Каттага учрашдингми?” [33]

Шундан кейин бошлиқ котибасининг таҳликали чехраси, Бекнинг юрагини қийнаган ташвишли саволлар, ўз феълидан хафа бўлишлар, асабийлик гўё бутун оламни қуршаб олгандек туюлиши, бу ерлардан қочиб узоқларга кетиб қолгиси келиши каби тасвир ортида қиссанинг эпик кечинмасидаги руҳий-психологик ҳолат ифодаланган. Бошлиққа киролмаслик, унинг кечроқ келиши, инженернинг ҳам йўқлиги ва ҳар иккисининг котибалари Бекка қилган муомаласидан Бекнинг асабийлашуви, руҳиятидаги кескинлик янада ошди. Фақат трамвай депоси ичидаги эски нок дарахтининг эгаси бўлган чол унга яхши гапиради ва унга, ҳаётидаги бу қадар кескин таҳлика ҳақида башорат қилгандек гапиради. Уни тинчланишга, ҳаётни борича қабул қилишга ундейди. Шу ерда муаллиф чол ва нок дарахтини ҳам уйғунликда тасвирлайди.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Хуршид Дўстмуҳаммад XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида ўзбек қиссачилигига ўзига хос шаклий-услубий ўзгаришлар ясаган адилардан биридир. Айниска, “Нигоҳ” қиссаси орқали замонавий одамнинг турмуш тарзи, ўзлигидан узилган, опаси, акаси, ижарачи, ишхонадаги одамлар билан муносабатини модернистик қарашлар орқали таҳлил қиласди. Бу эса ўқувчини сергак тортишга, мулоҳаза юритишига ундейди.

Адабиётлар:

1. Дўстмуҳаммедов Х. Қиссалар. – Т.: Sharq, 2011.
2. Сатторова Г. 90-йиллар ҳикоячилигига миллый характер муаммолари. Фил.фан.ном. дисс...автореф. – Т., 2002.
3. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Т., 2005
4. Соликонов Й. Нутқ ва услугуб. – Т.: Фан, 2002.
5. Соликонов Й. Ҳақиқатнинг синчков қўзлари. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2009.
6. Султон И.А. Адабиёт назарияси. – Т., 1980.
7. Умурев Ҳ. Адабиёт назарияси. – Самарқанд, 2001.
8. Умурев Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Т., 1983.
- 9.Қуронов Д., Мамажонов З., М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Akademnashr. 2010.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)